

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**524 Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги
хузуридаги Спорт курашлари бўйича ихтисослашти-
рилган олимпия захиралари мактаби фаолиятини ташкил
этиш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактабини ташкил этиш тўғрисида» 2012 йил 24 сентябрдаги ПҚ–1822-сон қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги хузуридаги Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаби (кейинги ўринларда Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаби деб аталади) эркин ва юнон-рум кураши бўйича ёш иқтидорли курашчиларни танлаб олувчи ва тайёрловчи, ўқувчилари яшаш жойи, тўрт марта овқатланиш, спорт экипировкаси, формали кийим-бош, спорт ускуналари ва анжомлари билан таъминланадиган, интернатга эга бўлган спорт таълим муассасаси ҳисобланади;

Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаби ўқувчиларининг умумий сони, вазн тоифаларини ҳисобга олган ҳолда, 60 кишидан ошмайди;

Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактабида ўқиш муддати кўпи билан икки олимпия циклини (8 йилгача) ташкил қилади ва ўқувчилар Ўзбекистон миллий терма жамоасининг асосий таркибига қабул қилинадиган ҳамда улар билан Ўзбекистон спорт курашлари уюшмаси ўртасида контракт тузиладиган вақтгача давом этади;

Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактабида ўқув-машқ жараёнининг давом этиши ва даврийлиги спорт мусобақалари тақвими ва ўқувчиларнинг ҳар бир гуруҳи учун яқка тартибда спорт тайёргарлиги даврлари ҳисобга олинган ҳолда спорт мактаби раҳбарияти томонидан белгиланади;

Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактабида машғулотлар 2013 йил 1 февралдан, кейинчалик эса — ҳар йили 2 сентябрдан бошланади.

2. Қўйидагилар:

Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактабининг ходимларнинг чекланган умумий сони 55 нафар, шу жумладан бошқарув ходимлари сони 9 нафар бўлган тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактабига ўқувчиларни танлов асосида танлаб олиш тартиби 2-иловага мувофиқ;

Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаби ўқувчиларини яшаш учун анжомлар, спорт экипировкаси ва формали кийим-бош билан таъминлаш нормативлари 3-4-иловаларга мувофиқ;

Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактабини жиҳозлаш учун Ўзбекистон спорт курашлари уюшмаси маблағлари ва хомийлик маблағлари ҳисобига сотиб олинadиган зарур ўқув-машқ, спорт ва хўжалик анжомлари, жиҳозлар, мебеллар, замонавий компьютер техникаси, техника ва транспорт воситалари рўйхати 5-иловага мувофиқ;

«Қўл жанги маркази»нинг қурилиши тугалланмаган объекти негизда Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактабининг ўқув-машқ корпуси қурилишини тугаллаш чора-тадбирлари комплекси 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирига Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаби тузилмасига ходимларнинг белгиланган умумий сони доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

4. Белгилаб қўйилсинки, Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаби ўқувчиларини озик-овқат билан таъминлаш харажатларининг ҳар кунлик нормаси ҳар йили тегишли молия йилининг 1 январида амалда бўлган энг кам ойлик иш ҳақи миқдорига нисбатан фоизларда, лекин 30 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда, «Динамо» жисмоний тарбия-спорт жамияти ҳузуридаги турғун овқатланиш шохобчасининг қўшимча харажатларини қоплашни ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

5. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Ўзбекистон спорт курашлари уюшмаси билан биргаликда:

бир ой муддатда, Курашнинг бирлаштирилган услублари халқаро федерацияси (ФИЛА) тренерларини ўқитиш дастурларидан фойдаланган ҳолда, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти негизда Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаби тренерлари малакасини ошириш курсларини ташкил этишни;

Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактабининг ўқув-машқ жараёнида институт ва Уюшманинг кадрлар ҳамда илмий-методик салоҳиятидан фойдаланишни;

тренерлар таркиби ва курашчи ўқувчиларнинг спорт курашлари бўйича етакчи хорижий марказлар ва мактабларда стажировкадан ўтишини тизимли асосда ташкил этишни таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Ўзбекистон спорт курашлари уюшмаси билан биргаликда:

эркин ва юнон-рум кураши бўйича ёш курашчиларни тайёрлашнинг илғор халқаро тажрибасини ҳисобга олган ҳолда ўқувчиларни тайёрлаш дастурини бир ҳафта муддатда тасдиқласин;

Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактабининг айни бир вақтда умумтаълим мактаблари, ўрта махсус ва олий

таълим муассасалари ўқувчилари ҳисобланадиган ўқувчилари учун ўқув-машқ машғулотлари жадвалини тузишда, энг аввало, уларнинг асосий ўқиш жойи бўйича ўқув машғулотлари жадвалини ҳисобга олсин;

ўқув-машқ жараёнини зарур даражада ташкил этиш мақсадида Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактабини малакали мутахассислар билан тўлдириш, ўқув хоналарини зарур ўқув-методик адабиётлар билан жиҳозлаш чора-тадбирларини таъминласин.

7. Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактабига белгиланган тартибда тасдиқланадиган мактаб спорт тадбирларининг тақвим режаси ҳамда ушбу мақсадлар учун назарда тутилган маблағлар доирасида ўқувчилар ва тренерларни халқаро мусобақаларда ва хорижда ўтказиладиган ўқув-машқ йиғинларида қатнашиш учун юбориш ҳуқуқи берилсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.И. Икрамов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2012 йил 19 ноябрь,
323-сон

**Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия
захиралари мактабининг
ТУЗИЛМАСИ**



Вазирлар Маҳкамасининг
2012 йил 19 ноябрдаги 323-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган
олимпия захиралари мактабига ўқувчиларни танлов
асосида танлаб олиш
ТАРТИБИ**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Тартиб Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактабига ўқувчиларни танлаб олиш ва қабул қилиш қоидаларини белгилайди.

2. Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактабига ўқувчиларни қабул қилиш фақат танлов асосида, ушбу Тартибга 1-иловага биноан схемага мувофиқ амалга оширилади.

3. Ўқувчиларни сифатли танлаб олишни таъминлаш мақсадида Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаби ва Ўзбекистон спорт курашлари уюшмаси қабул қилиш бошланишидан камида икки ой олдин оммавий ахборот воситаларида танлов ва уни ўтказиш шартлари тўғрисида тегишли эълон берадилар.

II. Қабул комиссияси

4. Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактабига ўқувчиларни танлов асосида синаш ва танлаб олиш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг буйруғи билан тасдиқланган, етти кишидан иборат таркибдаги қабул комиссияси томонидан амалга оширилади. Қабул комиссиясининг раиси ва котиби ўқувчиларни қабул қилиш, уларнинг ҳужжатларини расмийлаштириш ва сақлаш юзасидан масъул шахслар ҳисобланади.

5. Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаби директори комиссиянинг раиси ҳисобланади. Комиссия раиси этиб, шунингдек Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактабининг тажрибали, малакали тренерларидан бири тайинланиши мумкин.

Комиссия таркибига психолог, тиббиёт ходими, Ўзбекистон спорт курашлари уюшмаси, шунингдек бошқа манфаатдор спорт ташкилотлари вакиллари киритилади.

6. Қабул комиссиясига қўйидаги вазифалар юкланади:

Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактабида ўқишга талабгорлар, ота-оналар, жамоатчилик ўртасида мактабга қабул қилиш тартиби ва мактабнинг фаолияти тўғрисида тушунтириш ишларини амалга ошириш;

танлов асосида танлаб олиш ўтказилгунгача ўқишга киришга талабгорлар ва уларнинг ота-оналари учун мутахассислар маслаҳатларини ташкил этиш;

танлов синовлари ва танлаб олишни ўтказиш, ўқувчиларни қабул қилиш яқунларини умумлаштириш.

III. Хужжатларни қабул қилиш

7. Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактабига киришга талабгорлар томонидан қабул комиссиясига қўйидаги хужжатлар тақдим этилади:

Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактабига қабул қилиш тўғрисида директор номига (вояга етмаганлар учун — ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг розилиги билан) талабгорнинг аризаси;

паспортнинг ёки туғилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси (асл нусхалари қабул комиссияси томонидан хужжатларни қабул қилишда тақдим этилади);

086/у шаклидаги тиббий маълумотнома;

талабгорнинг яшаш жойидан маълумотнома;

талабгорнинг 3,5 — 4,5 см ўлчамли 6 та фотосурати;

талабгорнинг спорт разрядини (унвонини) тасдиқлайдиган спортчининг классификация дафтарчаси (спорт гувоҳномаси);

талабгорнинг умуртқа ва ўпкаси рентген сурати.

8. Хужжатлар ҳар йили 20 июль — 10 август даврида қабул қилинади*.

IV. Танлов синовларини ўтказиш

9. Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактабида танлов синовлари ва танлаб олиш қабул комиссияси томонидан ҳар йили 15 — 25 август** даврида ўтказилади.

10. Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактабига кирувчи талабгорларга қўйидаги энг кам талаблар қўйилади:

спорт усталигига номзоддан паст бўлмаган спорт разрядининг мавжудлиги;

курашнинг тегишли ёш гуруҳлари ва услублари бўйича спортчилар ўртасида Ўзбекистон, Осиё ва жаҳон чемпионатларида эгалланган совринли ўринларнинг (1 — 3-ўринлар) мавжудлиги.

11. Қоидага кўра, Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олим-

* 2013 йилда дастлабки ўқишга қабул қилишда хужжатлар 2012 йил 20 декабрь — 2013 йил 10 январь даврида қабул қилинади.

** Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактабида танлов синовлари ва танлаб олиш 2013 йилда дастлабки ўқишга қабул қилишда 2013 йил 15 — 25 январь даврида ўтказилади.

пия захиралари мактабига 17 ёшдан катта спортчилар — олимпия захираси коллежларида ёки спорт мактабларида ўқишни тугатган мамлакат терма жамоалари стажёрлари (яқин захира) қабул қилинади. Истисно тариқасида, Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактабига янада ёш иқтидорли спортчиларнинг ҳам қабул қилинишига йўл қўйилади.

12. Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактабида танлов синовлари ушбу Тартибга 2 ва 3-иловаларга мувофиқ махсус ва умумий тайёргарлик бўйича норматив талабларга биноан ўтказилади.

13. Мактабга ўқишга кирувчиларнинг кўникмалари, лаёқати ва билимлари 100 балли тизим (энг юқори балл) бўйича баҳоланади, уларнинг 70 баллгачаси махсус жисмоний тайёргарликка ва 30 баллгачаси — умумий жисмоний тайёргарликка қўйилади.

Танлов бўйича танлаб олиш қабул қилиш режасига биноан, фақат энг кўп балл олган талабгорлар ўртасида ўтказилади.

14. Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактабига кириш учун талабгорларнинг баллари тенг бўлган ҳолларда қабул комиссияси томонидан қўшимча суҳбат ўтказилади.

15. Танлов синовлари ва танлаб олиш натижалари қабул комиссияси томонидан, улар тугаллангандан кейин уч кун мобайнида эълон қилинади.

Ҳ. Яқунловчи қоидалар

16. Танлов синовларидан ва танлаб олишдан муваффақиятли ўтган талабгорлар қабул комиссияси протоколи асосида директорнинг буйруғи билан Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактабига қабул қилинади.

Қабул комиссиясининг протоколини котиб расмийлаштиради ва раис тасдиқлайди.


17. Олинган баллар сонини ҳисобга олган ҳолда, Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактабига қабул қилинмаган талабгорлар орасидан қабул қилиш учун захира шакллантирилади.

18. Ўқув йили мобайнида Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактабининг барча ўқувчилари ҳар ойда ихтисоси бўйича, шунингдек умумий ва жисмоний тайёргарлик бўйича назорат тест синовлари топширадilar.

19. Йил мобайнида ихтисоси бўйича ўқув дастурлари талабларини ба- жармаган ва назорат тест синовларидан ўтмаган, ички тартиб-қоидаларни бузган, соғлигининг ҳолати бўйича тиббий салбий кўрсаткичлари бўлган ўқувчилар Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захира- лари мактаби ўқувчилари сафидан чиқарилади.

Тартибга
1-ИЛОВА

**Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия
захиралари мактабига ўқувчиларни қабул қилиш
СХЕМАСИ**



* 2013 йилда биринчи марта ўқишга қабул қилишда хужжатлар 2012 йил 20 декабрь — 2013 йил 10 январь мобайнида қабул қилинади.

** 2013 йилда биринчи марта ўқишга қабул қилишда танлов синовлари ва Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактабига танлаб олиш 2013 йил 15 — 25 январь мобайнида ўтказилади.

Тартибга
2-ИЛОВА

**Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактабига
ўқишга кириш учун махсус жисмоний тайёргарликка доир
НОРМАТИВ ТАЛАБЛАР**

Т/р	Нормативлар	Баллар			
		25 балл	20 балл	15 балл	0
1.	5 турдаги машқларни бажариш (ҳар бири учун 10 секунд)	25 балл	20 балл	15 балл	0
а)	Дастлабки ҳолат — гилам устида бош билан тик туриш, қўлларни бирлаштириб супада (чапга ёки ўнгга) югуриш	7 марта — 5 балл	6 марта — 4 балл	5 марта — 3 балл	0
б)	Дастлабки ҳолат — қад ростланган вазиятдан супада кескин бурилиш, югурган ҳолда дастлабки ҳолатга қайтиш	7 марта — 5 балл	6 марта — 4 балл	3 марта — 3 балл	0
в)	Дастлабки ҳолат — гиламда бош билан тик туриш, дастлабки ҳолатга қайтган ҳолда супада кескин бурилиш	7 марта — 5 балл	6 марта — 4 балл	3 марта — 3 балл	0
г)	Супада кескин бурилиш	7 марта — 5 балл	6 марта — 4 балл	3 марта — 3 балл	0
д)	15 секундда шеригининг сакрашларини узлуксиз бажариш	10 марта — 5 балл	8 марта — 4 балл	3 марта — 3 балл	0
2.	20 секунд мобайнида 2, 3 та ҳаракат комбинациясини бирга бажариш маҳорати	45 балл	30 балл	15 балл	0

Изоҳ: махсус жисмоний тайёргарлик бўйича энг юқори балл — 70 балл.

**Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактабига
ўқишга кириш учун умумий жисмоний тайёргарликка доир
НОРМАТИВ ТАЛАБЛАР**

Т/р	Нормативлар	Баллар			
		5	4	3	2
1.	Турникда юқорига-пастга тортилиш	40 марта — 5 балл	35 марта — 4 балл	30 марта — 3 балл	25 марта — 0 балл
2.	Олдинга-орқага югуриш: 3 марта x 10 метр	6,8 сек — 5 балл	7,0 сек — 4 балл	7,2 сек — 3 балл	7,5 сек — 0 балл
3.	1000 метрга югуриш	3 мин 56 сек — 5 балл	3 мин 58 сек — 4 балл	4 мин 06 сек — 3 балл	4 мин 08 сек — 0 балл
4.	Ўз вазнининг 50 фоизига тенг оғирликдаги штангани кўкракда силтаб кўтариш	15 марта — 5 балл	12 марта — 4 балл	10 марта — 3 балл	8 марта — 0 баллов
5.	Оёқларни буккан ҳолда арқонга тирмашиб чиқиш	7 марта — 5 балл	6 марта — 4 балл	4 марта — 3 балл	2 марта — 0 балл
6.	Кўлда чалқанча ётган ҳолда кўкракни кўтариб тушириш	150 марта — 5 балл	130 марта — 4 балл	120 марта — 3 балл	110 марта — 0 балл

Изоҳ: умумий жисмоний тайёргарлик бўйича энг юқори балл — 30 балл.

Вазирлар Маҳкамасининг
2012 йил 19 ноябрдаги 323-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги
хузуридаги Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган
олимпия захиралари мактаби ўқувчиларини яшаш учун
анжомлар билан таъминлаш
НОРМАТИВЛАРИ**

Т/р	Анжомлар номи	Ўлчов бирлиги	1 ўқувчи учун норматив	Фойдаланиш муддати*
1.	Тўшак	та	1	5 йил
2.	Пахта адёл	та	1	3 йил
3.	Жун адёл	та	1	3 йил
4.	Ёстиқ	та	1	3 йил
5.	Ёпинғич	та	1	5 йил
6.	Сочиқ	та	2	1 йил
7.	Ёстиқжилд	та	2	1 йил
8.	Чойшаб	та	2	1 йил
9.	Кўрпажилд	та	2	1 йил
10.	Кийим шкафи	та	1	5 йил
11.	Жавонча	та	1	5 йил
12.	Каравот	та	1	5 йил
13.	Стол	та	1	5 йил
14.	Стул	та	1	5 йил
15.	Каравотолди гиламчаси	та	1	3 йил
16.	Графин ва стакан	тўплам	1	3 йил

* Яшаш учун анжомлар уларнинг ҳақиқий ҳолати ва фойдаланишга яроқлилиги ҳисобга олинган ҳолда алмаштирилиши мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг
2012 йил 19 ноябрдаги 323-сон қарорига
4-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги
Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия
захиралари мактаби ўқувчиларини яшаш учун спорт
экипировкаси ва формали кийим-бош билан таъминлаш
НОРМАТИВЛАРИ**

Т/р	Номи	Ўлчов бирлиги	1 ўқувчи учун норматив	Фойдаланишнинг чекланган муддати
1.	Кураш трикоси	дона	2	1 йил
2.	Кураш пойабзали	жуфт	1	1 йил
3.	Спорт майкаси	дона	2	1 йил
4.	Спорт шортлари	дона	2	1 йил
5.	Машқ қилиш учун спорт костюми	тўплам	1	2 йил
6.	Вазни камайтириш костюми	тўплам	1	2 йил
7.	Спорт пойабзали	жуфт	1	1 йил
8.	Шиппак	жуфт	1	1 йил
9.	Спорт сумкаси	дона	1	3 йил
10.	Тиззабанд	жуфт	1	1 йил

Вазирлар Маҳкамасининг
2012 йил 19 ноябрдаги 323-сон қарорига
5-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги
Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия
захиралари мактабини жиҳозлаш учун зарур ўқув-машқ, спорт
ва хўжалик анжомлари, жиҳозлар, мебеллар, замонавий
компьютер техникаси, техника ва транспорт воситалари
РЎЙХАТИ**

Т/р	Буюмлар номи	Ўлчов бирлиги	Сони
Спорт ўқув-машқ анжомлари			
1.	Кураш гилами	тўплам	8
2.	Электрон тарозилар	та	8
3.	Йўғон арқон	та	10
4.	Кураш манекени	та	18
5.	Машқ штангаси	та	4
6.	Гимнастика турниги	тўплам	2
7.	Гимнастика бруслари	тўплам	2
8.	Гимнастика скамейкалари	та	12
9.	Гимнастика стенкаси	та	9

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й.

Т/р	Буюмлар номи	Ўлчов бирлиги	Сони
10.	Футбол тўпи	та	10
11.	Баскетбол тўпи	та	10
12.	Тиббиёт тўпи (медбол)	та	10
13.	Ҳакам ҳуштаги	та	10
14.	Очколар ҳисоблагич (қўл ҳисоблагичи)	та	12
15.	Оғирлаштирувчи жилет	та	20
16.	Турли оғирликдаги тошлар	та	9
17.	Электрон қўл секундомери	та	15
18.	Сакраш аргамчиси	та	15
19.	Резина эспандер	та	30
20.	Кабинет тўплами	тўплам	3
21.	Юмшоқ мебель тўплами	тўплам	4
22.	Икки жавончали стол	та	10
23.	Бир жавончали стол	та	29
24.	Ярим юмшоқ ёғоч стуллар	та	44
25.	Ярим юмшоқ металл каркасли стуллар	та	72
26.	Сув ичиш анжомлари учун стол	та	21
27.	Синф доскаси	та	2
28.	Китоб жавони	та	16
29.	Раҳбар креслоси	та	3
30.	Икки секцияли металл жавон	та	35
31.	Универсал стеллаж	та	7
32.	Компьютер столи	та	15
33.	Икки секцияли пўлат сандиқ	та	1
Тиббиёт анжомлари			
34.	Шифтга қўйиладиган бактерицид нурлатгич	та	1
35.	Шифокор столи	та	2
36.	Тиббиёт шкафи	та	2
37.	Анжомлар столчаси	та	2
38.	Темир сейф	та	6
39.	Тиббий кушетка	та	2
40.	Уқалаш кушеткаси	та	3
41.	Айланма-кўтарма стул	та	2
42.	Ёрдамчи стол	та	1
43.	Узоқ муддат дори қуйиш штативи	та	1
44.	Яра боғлаш столи	та	1
45.	Электрокардиограф	та	1
46.	Тиббиёт жавончаси	та	1
47.	Бўй ўлчлагич	та	1
48.	Тиббиёт тарозилари	та	4
49.	Таглик-зинача	та	1

Т/р	Буюмлар номи	Ўлчов бирлиги	Сони
Электр маиший техникалар			
50.	Маиший совутгич	та	6
51.	Шарбат эзгич	та	1
52.	Микротўлқинли печ	та	2
53.	Электр чойнак	та	2
Техника воситалари ва ташкилий техника			
54.	16 жуфт абонент учун мини-АТС	тўплам	1
55.	«Моторолла» радиостанцияси	тўплам	1
56.	Овозга жўр бўладиган аппаратлар	тўплам	1
57.	CRT 21 телевизор	та	8
58.	LCD 32 телевизор	та	4
59.	DVD плеер	та	5
60.	Видеокамера	та	3
61.	Фотоаппарат	та	2
62.	Видеопроектор	та	2
63.	Ноутбук	та	3
64.	Компьютер	та	12
65.	Принтер	та	12
66.	Ксерокс	та	3
67.	Сканер	та	2
68.	Факс	та	3
69.	Кондиционер	та	10
70.	SWITCH HUB тармоқ ускунаси	та	10
71.	Муסיқа эшиттириш маркази	та	4
72.	Кабель	метр	300
73.	Ўт ўчиргичлар (ОП-5)	та	64
74.	51 мм диаметрли ўт ўчириш шланги (1,0 мпа)	та	64
Транспорт воситалари			
75.	Енгил автомобиль	та	2
76.	Автобус	та	1

Вазирлар Маҳкамасининг
2012 йил 19 ноябрдаги 323-сон қарорига
6-ИЛОВА

**«Қўл жанги маркази»нинг қурилиши тугалланмаган
объекти негизда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар
вазирлиги ҳузурдаги Спорт курашлари бўйича
ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактабининг ўқув-
машқ корпуси қурилишини тугаллаш чора-тадбирлари
КОМПЛЕКСИ**

Т/р	Тадбирлар номи	Зарур сумма* (млн сўм)	Бажариш муддатлари	Масъул бажарувчилар
1.	Қурилиш-монтаж ишларини тугаллаш:			
	а) томнинг металл конструкцияларини ёнғиндан ҳимоя қилиш бўёқлари билан бўяш (1450 м ²)	50,0	2012 йил 30 ноябрғача	ИИВ
	б) «Изовер» минерал момиқ пахта билан осма шифтни иситиш (450 м ²)	13,0	2012 йил 30 ноябрғача	ИИВ
	в) рухланган пўлатдан ҳаво ўтказиш қувурлари ётқизиш (125 м ² — вентиляция ускуналарининг ҳаво кириш тизимини ўраб чиқиш) вентиляция ускуналарини монтаж қилиш (ҳаво кириш тизими)	260,0	2013 йил 10 февралғача	ИИВ
	г) модул буғқозон блокни монтаж қилиш (қуввати — 1350 кВт)	240,0	2012 йил 31 декабрғача	ИИВ
	д) янги монтаж қилинган трансформатор нимстанциясини улаш		2012 йил 10 ноябрғача	ИИВ
2.	Худудларни ободонлаштириш: 2500 м ² — йўл ва тор кўчаларга асфальт-бетон ётқизиш 1000 м ² — кўкаламзорлаштириш ва сугориш 430 м ² — тўсиқларнинг пастки қисмини синиқ тошлар билан қоплаш	148,0	2012 йил 30 ноябрғача	ИИВ
3.	Объектни Ишчи комиссия ва Давлат қабул комиссиясига топшириш учун зарур ҳужжатларни расмийлаштириш		2013 йил 21 мартғача	ИИВ, Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаби
	Жами:	711,0		

* Зарур сумма 2012 йил учун Ички ишлар вазирлиги қурилишларининг манзилли рўйхатида назарда тутилган.